БИНО ВА ИНШООТЛАР ЁКИ УЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 06

«04»январь 2022 йил **Жиззах шаҳри**

Низом асосида иш кўрувчи (кейинчалик **"Ижарага берувчи"** деб юритилувчи) **"Сўғдиёна бино ва иншоотлардан фойдаланиш" дирекцияси** номидан **Махмуджонов У.И** ва **Низом** асосида иш кўрувчи (кейинчалик **"Ижарага олувчи"** деб юритилувчи) **Жиззах вилоят Мактабгача талим бошқармаси номидан бошлиғи Ф.Қ.Солиева** мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. **"Ижарага берувчи" "Ижарага олувчи"**га Жиззах шаҳар, А.Навоий кўчаси 2-уй манзилидан умумий майдони **360,0** кв.м.ни (кейинги ўринларда **"Объект"** деб юритилади) ижарага беради, **"Ижарага олувчи"** эса ушбу **"Объект"**ни қабул қилиб олади ва белгиланган ижара тўловини **"Ижарага берувчи"**га тўлайди.

II. "ОБЪЕКТ"НИНГ ТАСНИФИ

2.1. **"Объект"**нинг таснифи (таркиби, ҳолати, қиймати ва бошқалар) мазкур шартноманинг иловасида алоҳида кўрсатиб ўтилган **(1-илова)**.

2.2. **"Объект" "Ижарага олувчи"**га ***01.01.2022*** йилдан ***31.03.2022*** йилгача ижарага берилади.

2.3. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида қайд этилган **"Объект"**дан **"Ижарага олувчи"** фақат **Идора** мақсадида фойдаланади.

2.4. Мазкур шартноманинг умумий киймати 47237232-00 (қирқ етти миллион икки юз ўттиз етти минг икки юз ўттиз икки) сўм булиб, шундан ҚҚС суммаси 6161378-00(олти миллион бир юз олтмиш бир минг уч юз етмиш саккиз) сўм.Ушбу шартнома Ғазначилик бўлиммалари томонидан рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

III. "ОБЪЕКТ"НИ ИЖАРАГА БЕРИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ **"Ижарага берувчи" "Объект"**ни шартнома шартларига мўлжалланган мақсадига мувофиқ шартнома тузилган санадан кейин ўн кун ичида **"Ижарага олувчи"**га беради, **"Ижарага олувчи"** эса ижара муддати тугагач **"Объект"**ни ўн кун ичида **"Ижарага берувчи"**га қайтаради.

3.2. **"Объект"**ни бериш ва қайтариш **"Ижарага берувчи"** ва **"Ижарага олувчи"**нинг иштирокида **"Объект"**ни икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган холда, тарафларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.3. Далолатномада уни тузилган жойи ва санаси, ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами) ва **"Объект"**нинг техник ҳолати кўрсатилади **(1– илова)**.

3.4. **"Объект"**ни бериш ва қайтариш далолатномаси тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва тарафларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

3.5. **"Объект"** қайтарилаётганда камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) **"Ижарага олувчи" "Объект"**ни мазкур шартномада белгиланган муддатларда шартнома шартларига мувофиқ холатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача **"Ижарага берувчи"** уни қабул қилиб олишни ва **"Объект"**ни қайтариш-қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

3.6. **"Объект"**ни қайтариш ва қабул қилиш далолатномаси тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ва тарафларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланган пайтдан бошлаб **"Объект"** қайтарилган ёки қабул қилинган деб ҳисобланади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 **"Ижарага берувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- ижара тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;
- **"Ижарага олувчи"**дан ижара шартномасида назарда тутилган ҳажмларда ахборот сўраш;
- зарурат бўлганда, **"Объект"**нинг физик ҳолатини **"Ижарага олувчи"**нинг хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда кўздан кечириш;
- ижарага олинган **"Объект"**дан фойдаланиш шартларини, **"Ижарага олувчи"** томонидан учинчи шахслар ҳуқуқларига риоя қилинишини ўрганиш (сервитут, гаров ва шу кабилар);
- **"Ижарага олувчи"**нинг ижарага олинган **"Объект"**ни яхшилашни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш;
- қонун хужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

4.2. **"Ижарага берувчи" қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

- мазкур шартнома шартларига мувофиқ **"Ижарага берувчи"**нинг **"Объект"**ни **"Ижарага олувчи"** га топширилишида иштирок этади;
- мазкур ижара шартномаси шартларига мувофиқ **"Ижарага берувчи" "Объект"** ни шартнома шартларига ва **"Объект"**ни мўлжалланган максадига мувофиқ ҳолатда **"Ижарага олувчи"**га берилишини, ижара муддати тугагач, **"Ижарага олувчи"**нинг **"Объект"**ни **"Ижарага берувчи"**га қайтарилишини ташкил этади;
- **"Объект"**ни бериш ва қайтариш тўғрисидаги икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномаларини ўзининг ваколатли вакиллари томонидан имзоланишини ва ўз муҳри билан тасдиқланишини ташкил этади;
- қонун хужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

4.3. **"Ижарага олувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- мазкур ижара шартномаси шартларига мувофиқ **"Объект"**ни **"Ижарага берувчи"**дан қабул қилиб олиш;
- ижарага олинган **"Объект"**да жорий таъмирлаш ишларини ўз кучи ва ўз ҳисобидан амалга ошириш;
- ўз мажбуриятларини зарур тарзда бажарганда янги муддатга ижара шартномасини тузишда устунлик ҳуқуқига эга бўлиш;
- қонун хужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

4.4. **"Ижарага олувчи" қуйидаги мажбуриятларга эга:**

- ижарага олинган **"Объект"**дан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиши ва уни соз ҳолатда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплаш;
- ижарага олинган **"Объект"**ни тиклаш ёки мукаммал таъмирлашни, жумладан, уни ўз эҳтиёжлари учун қайта жихозлаш ёки мослаштиришни фақат **"Ижарага берувчи"** нинг розилиги билан амалга ошириш;
- ижарага олинган **"Объект"**ни гаровга қўймаслик ва бошқача тарзда учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йўл қўймаслик, шу жумладан субижара шартларида бермаслик;
- ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ва миқдорда ижара тўловини амалга ошириш;
- **"Ижарага берувчи"** томонидан ижара шартномасида назарда тутилган хажмларда сўралган ахборотга кечиктирмасдан жавоб бериш;
- шартномани муддатидан олдин бекор қилиниши ҳақида бир ой олдин **"Ижарага берувчи"** ни ёзма равишда огоҳлантириш;
- ижара муддати тугагач **"Объект"**ни ўн кун ичида **"Ижарага берувчи"**га қайтариш;
- қайтарилаётган ижарага олинган **"Объект"**да камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) **"Объект"**ни икки ҳафта муддат ичида топширилган пайтдаги ҳолатига келтириш ёки **"Ижарага берувчи"** томонидан ҳисоблаб чиқилган етказилган зарар миқдорини қоплаш;

- ўзининг реквизитлари ўзгарганда **“Ижарага берувчи”**ни бу ҳақда етти кун ичида хабардор қилиш;
- электр энергияси, сув ва газни ҳисобга олиш учун зарур ҳисоблаш приборларини ўрнатишни тузилган алоҳида шартномага асосан амалга ошириш;
- **“Объект”**да ўзининг айби билан коммунал авария ҳолати юз берса, уни тузатиш ва таъмирлаш ишларини ўз маблағи ҳисобидан амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

V. ИЖАРА НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

5.1. Нарх-навонинг ўзгариши муносабати билан ижара ҳақи миқдори **“Ижарага берувчи”** томонидан ўзгартирилиши мумкин.
5.2. Мазкур шартноманинг47237232-00 (кирк етти миллион икки юз ўттиз етти минг икки юз ўттиз икки) сўм булиб, **“Ижарага олувчи”** ҳисобот ойида ижара хакининг ойлик суммасидан 30 % олдиндан тўловни амалга оширади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ва мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
6.2.Ушбу шартномага ҳар кандай ўзгартириш ёки қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда тегишли равишда муҳр қўйилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.
6.3. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади.
6.4. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган тараф иккинчи тарафга бир ой олдин буюртма хат билан ёзма билдиришнома юбориши шарт.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. **“Ижарага олувчи”** ўз мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган ижара тўловини ўз муддатида ва миқдорида тўламаганлиги учун **“Ижарага берувчи”**га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар суд тартибида ҳал қилинади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасида ушбу шартномага тегишли бўлган барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
9.2 Шартнома икки нусхада расмийлаштирилиб, асл нусхалари **“Ижарага берувчи”**да ва **“Ижарага олувчи”**да сақланади;
9.3. Мазкур шартномага кейинчалик киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.
9.4. Ушбу шартномага тааллукли иловалар, шартноманинг ажралмас қисмидир.
9.5. Мазкур шартнома шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатдан кучга киради.
9.7.Маскур шартнома 31.03.2022 йилгача тузилди.

X. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

“ИЖАРАГА БЕРУВЧИ”	**“ИЖАРАГА ОЛУВЧИ”**
«Сугдиёна бино ва иншоатлар фойдаланиш» дирекцияси	**Жиззах вилоят Мактабгача таълим бошқармаси**
Жиззах шаҳри, А.Навоий кўчаси 2-уй	Жиззах шаҳри, А.Навоий кўчаси 2-уй
Х/Р: 20208000000455751001	Х/р 10021860084017098602251001
Банк «Асака банк» Жиззах вилоят филиали	Банк: Марказий банк_____
МФО- 00140 ИНН: 303296888	МФО-_00014__ ИНН: 305139992_____
Рахбар _____ **Ў.И.Махмуджанов** (имзо, муҳр)	**Рахбар** _____ **Ф.Қ.Солиева.** (имзо, муҳр)

Юрист хулосаси:
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси тегишли моддалари ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлар талабида, экспертизадан ўтказилади.

Юрист_____ (Ф.И
(имзо)

ADVAKAT A.D.SARIKULOV
LISENZIYA GZ № 000019-04.06.09 YIL.
GUVOHNOMA 084. 30.10.2009 YIL

Жиззах вилоят мактабгача таълим бошқармасининг

2022 01 январдан 31 мартгача харажатлар сметаси хисоб-китоби

1.кв.м 12720 * 2,0% худудий зоналар коэффиценти *1,6% курилиш тури буйича коэффицент 40704 сум *360 кв.м

Жиззах вилоят матабгача таълими бошқармасининг ажратилган майдон = 3663360 сум 3 ойга

Харажатлар номи	ЯТС буйича разряди	Тариф буйича коэффиц	Лавозим буйича оклади	Жиззах вилоят мактабгача	
				Штат сони	Бир ойлик мехнатга хак
Маъмурий бошкарув ва ишчи ходимлар					
1 ойлик иш хаки хисоб китоби					
Электрик	2	1,053	865566	0,5	432783
Газончи	3	1,106	909132	0,5	454566
Насос курилмаси оператори	5	1,269	1043118	0,5	521559
Боғбон	2	1,053	865566	1	865566
Хона фарроши	1	1	822000	1	822000
Фаррош,ховли супурувчи	2	1,053	865566	0,5	432783
Қўриқлаш ходими	5	1,269	1043118	2	2086236
Жами	**х**	**х**		**6**	**5615493**
Штат буйича хаммаси	**х**	**х**		**6**	**5615493**

2022 йил 1- чорак харажатлар

харажатлар номи	Йиллик харажат хажми	Ул бирлиги	Нархи	Суммаси
Электроэнергия	11029	кв	450	4963050
Табиий газ	6058	м3	660	3998280
Ижара тулови	360	кв.м	40704	3663360
Ичимлик сув d 15 трубада	655,07	м3	3500	2292745
Окава сув d 15 трубада	655,07	м3	1500	982605
Чикинди	2	м3	42000	84000
Хўжалик харажатлари				875000
Жами				**16859040**
Штат буйича хаммаси	**6**			**16846479**
Моддий рагбатлантириш фонди 15%				**2526972**
25% ажратма				**4843363**
Хаммаси				**41075854**
ККС:	**15%**			**6161378**
ККС билан:				**47237232**

"Хизмат кўрсатувчи" "Хизматга хақ тўловчи"

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HEKLANGAN HAMIYAT SHAHAR SHAHRI MAS'ULIYATI SO'G'LOM BIRLIK INSHOOTLARIDAN FOYDALANISH" direksiyasi